

## **“Муборакнефтегазонтаж” АЖ акциядорлари диққатига!**

Кашқадарьё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтегазонтаж” АЖ, жамиятнинг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2020 йил 30 сентябр куни соат 10-00 да жамият акциядорларининг 2019 йил якуни билан навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2020 йил 24 сентябр ҳолати билан тузилган.

### **Кун тартиби:**

1. “Муборакнефтегазонтаж” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.
2. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни, “Бизнес-режа” ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарувнинг ҳисоботи муҳокамаси.
3. “Муборакнефтегазонтаж” АЖ бошқарувининг 2019 йил якуни бўйича фаолияти самарадорлигини инобатга олган ҳолда амалга оширилган рағбатлантириш тўловлари борасида.
4. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича миллий аудит стандартлардан ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаларини кўриб чиқиш.
5. Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолият якуни бўйича тафтиш комиссияси хулосасини кўриб чиқиш.
6. «Муборакнефтегазонтаж» АЖ кузатув кенгашининг 2019 йил якуни билан ҳисоботини кўриб чиқиш.
7. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқланиши.
8. “Муборакнефтегазонтаж» АЖнинг 2019 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсмоти тасдиқланиши.
9. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгаришлар киритиш.
10. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомига ўзгариш киритиш.
11. «Муборакнефтегазонтаж» акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш бўйича Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳасини тасдиқлаш.
13. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг ижроия органи раҳбарини 2020 йилга сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи кўриб чиқилиши.
14. Жамият таркибидаги «КИПмонтажсервис», «Нефтегазускунамонтаж», “Трубодеталь” унитар корхоналари ва «Нефтегазаноатарматураси», “Муборакнефтегазонтажспецстрой” масъулияти чекланган жамиятларини “Муборакнефтегазонтаж” акциядорлик жамиятига қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш.
15. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг кузатув кенгаши аъзолари таркиби сайланиши.
16. “Муборакнефтегазонтаж” АЖнинг тафтиш комиссияси аъзолари таркиби сайланиши.
17. “Муборакнефтегазонтаж АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларини маъқуллаш.
18. 2020 йил якуни билан миллий аудит стандартларидан ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиқган ҳолда аудиторлик текшируви ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг йил якунлари билан бажариш ҳисобининг аудиторлик

текшируви ўтказилиши учун аудиторлик ташкилотини, шунингдек унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.

19. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

20. “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг ижроия органига 2020 йилда тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини тасдиқлаш.

21. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгариш киритиш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик вақтида қўйидаги ахборотлар билан танишишингиз мумкин:

- 2019 йил якуни билан йиллик ҳисобот,
- 2019 йил якуни билан аудитор хулосаси ва тафтиш комиссияси хулосаси,
- 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган ва тасдиқланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) қиймати борасидаги аудитор хулосаси,
  - корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши борасидаги хулоса,
  - “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар,
    - кузатув кенгашининг 2019 йил якуни билан соф фойдаси тақсимоти ва ижроия органи раҳбарини 2020 йилга сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича таклифлари,
    - жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларига киритиладиган ўзгаришлар лойиҳаси,
    - жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгаришлар,
    - жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси,
    - «Муборакнефтегазмонтаж» акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш бўйича Низомининг янги таҳрири лойиҳаси,
    - жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ материаллар..

Шу билан бирга жамият акциядорларда, овоз бериш натижасида жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган 14- масала кун тартибига киритилганлигини ва шу ҳолат инobatга олинган ҳолда акциялар баҳоси 584 612 сумга баҳоланганини маълум қилади. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талаби акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган ҳолда жамиятга юборилиши керак. Акциядорнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаби акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак.

E-mail: [mngm01@mail.ru](mailto:mngm01@mail.ru), [mngm07@mail.ru](mailto:mngm07@mail.ru), тел.: (+998-98) 274-21-16, (+998-98) 274-21-36. (+998-97) 300-87-14.

Йиғилишга қатнашувчиларни рўйхатга олиш 30.09.2020 й. соат 09.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Акционерлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

**“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.**